

---

Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг Наврўз байрами табриги

**Қадрли юртдошлар!**

Бугун жонажон юртимизда уйғониш, яшариш, янгилашиш айёми – Наврўзи олам нафаси уфуриб турибди. Барчангизни мана шу улуғ айём, шарқона янги йил билан самимий қутлайман.

Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик ва тотувлик, файз ва барака тилайман. Ҳаётингиз баҳор тонгидек тиниқ, бахтли ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам юртимизга, ҳар бир хонадонга, ҳамюртларимизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

Меҳрибон халқимиз доим соғ-омон, Наврўз айёми барчамизга муборак бўлсин!

**Шерзоджон Юлдашев,**

**Ўзбекистон тумани ҳокими**

2024-03-20 23:52:00